


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Гувоҳнома № 0680-16.02.2018.
ISSN № 2181-9017

М У Н Д А Р И Ж А

МАНБАШУНОСЛИК

1. **Абдухалимов Б.** Формуляры записей о купле и продаже усадьбы из сборника (*мажма‘*) Абу Хафса ан-Насафи 3
2. **Муратов А.** Умар Насафийнинг “ат-Тайсир фи-т-тафсир” асарига асос бўлган манбалар 14
3. **Улашова С.** Хоразмшоҳлар даври манбаларида Мовароуннаҳрдаги этник ҳолатга доир 22
4. **Замонов А.** Бухоро шайбонийлари ҳарбий тизими манбашунослигига доир баъзи мулоҳазалар 36
5. **Ғуломов С.** Ҳишмат ижоди спектри ва янги топилган “*Зиж*” хусусида 49

ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

1. **Давлатова С.** Ҳунармандчиликда рамзлар: семантик-семиотик таҳлил *(Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари мисолида)* 62
2. **Ҳошимов Б.** Фарғона водийсидаги археологик тадқиқотлар тарихидан (1884–1964) 77
3. **Шамсиев М.** XIX аср биринчи ярмида Қўқон хонлиги ташқи савдо алоқаларида тошкентлик савдогарларнинг роли..... 92

ДИПЛОМАТИКА

1. **Таниева Г.** Эрназар Мақсуд ўғлининг ҳаж йўллари масаласига доир элчилик фаолияти (Россия империяси Ташқи сиёсат архиви ҳужжатлари асосида) 101

ИСЛОМШУНОСЛИК

1. **Махсудов Д.** XIII асрда мусулмон дунёсида тафсир илми ривожи ва муфассир олимлар фаолияти 111

ФАН ВА МАДАНИЯТ ТАРИХИ

1. **Исҳоқов М.** Қадимги Хоразм ёзуви ва ёзув маданияти ҳақида 124

ТИЛ ВА АДАБИЁТ

1. **Умарова И.** Айюбнинг “Шарҳи Маснавийи Мавлавий” асарида келтирилган Жалолиддин Румий ҳаётига оид маълумотлар 140
2. **Худжанова Д.** Замахшарийнинг “ал-Қистос ал-мустақим фи илм ал-аруз” асарида аруз рукнларининг илмий-назарий талқини 154
3. **Шарахметова М.** “Бобурнома”нинг урдуча таржималарида Ҳиндистон таърифи 165
4. **Мадиримова С.** Мутриб Хонахароб ғазаллари 176
5. **Тўхтамуратов Ф.** Муҳсиний девони қўлёзма манбалари ва шеърларининг матн хусусиятлари 191
6. **Абдулаҳатов Н.** “Марсия” адабий-тарихий манбаларига оид айрим мулоҳазалар *(XIX–XX аср бошларида Марғилон маданий муҳити манбалари асосида)*..... 201

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Эшонова С., Қўлдошев Ш. Поп тумани Ғурумсарой қишлоғидаги қабртош хусусида 210

ЎзР ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2020 йил 4 мартдаги 3-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Баҳром Абдуҳалимов
(Бош муҳаррир)
Сурайё Каримова
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Салимахон Эшонова
(Масъул котиб)
Наталья Каримова
(Рус тили муҳаррири)
Азиза Шаназарова
(Инглиз тили муҳаррири)

Аҳмедов Ашраф
Бобожонов Бахтиёр
Баҳодиров Роиқ
Бўриев Омонулло
Дагели Жанин
Жуманазаров Абдусаттор
Исломов Зоҳиджон
Қориев Одил
Мўминов Аширбек
Раҳимжонов Дурбек
Султонов Ўктам
Ходжаев Аҳад
Юсупова Дилором
Ғуломов Санжар
Ҳабибуллаев Акрам
Ҳасанов Маҳмуд

Манзилимиз:
100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79
Мурожаат учун:
Телефон*: (8 371) 262-54-61,*
Факс*: (8371) 262-52-77*
E-mail: beruni1@uznet.uz

И. Умарова

Айюбнинг “Шарҳи Маснавийи Мавлавий” асарида келтирилган Жалолиддин Румий ҳаётига оид маълумотлар

Мавлоно Жалолиддин Румийнинг (1207–1273) инсониятга бир қанча асарлари мерос бўлиб қолган. Асрлар ўтса ҳам ушбу асарлар ўз долзаблигини сақлаган ҳолда румийшунос олимлар томонидан ўрганилишда давом этмоқда. Унинг энг йирик дидактик асари “Маснавийи маънавий” бўлиб, уни тушуниш инсондан улкан билим талаб қилгани боис, ушбу асар ёзилган дастлабки пайтидан ҳозиргача унга бағишлаб шарҳлар ёзилади.

Бугунги кунда Мавлоно Жалолиддин Румийга оид маълумотлар унинг чоп этилаётган асарлари сўзбошиларида, мақолаларда, илмий тадқиқотларда, Румий ҳаёти ва ижодига бағишлаб ёзилган рисола ва китобларда, интернет саҳифаларида кўплаб учрайди. Хусусан, Туркияда ёзилган шарҳлар ҳақида Шефик Джан ўзининг “Мевляна Джалаледдин Руми. Божественная флейта мира. Жизнь, личность, мысли” (“Мавлоно Жалолиддин Румий. Жаҳоннинг илоҳий найи. Ҳаёти, шахсияти, фикрлари”) номли китобида бир қанча маълумотларни келтирган. Аммо бу маълумотлар узил-кесил рақам эмаслиги ва “Маснавий”нинг шарҳлари яна топилиши айтилган [9: 96].

Ана шундай шарҳлардан бири Айюбнинг Жалолиддин Румий “Маснавийи маънавий”сига ёзган шарҳи бўлиб, унинг битта қўлёзмаси ЎзР ФА Шарқшунослик институти фондида 2225/II ашё рақами билан сақланади. У китоб варақларининг ўртасида Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи маънавий” асарининг матни, ҳошиясида эса “Шарҳи Маснавийи Мавлавий” келтирилган. Муаллиф исми Айюб шаклида ушбу шарҳнинг дастлабки сатрида қайд этилган. Қўлёзманинг дастлабки қисқа тавсифи “Собрание восточных рукописей” (“Шарқ қўлёзмалари

тўплами”)да каталогининг иккинчи жилдидан ўрин олган [3: 912 тав.][1]. Унда келтирилишича, асар Кашмирда Мирзо Муҳаммад Рабихон буйруғи билан котиб Ўбод Муҳаммад Сиддиқ томонидан 1221/1806 йили кўчирилган. Ушбу шарҳ Ҳиндистонда ёзилган шарҳлар сирасига киради [4: 35] [2].

Айюбнинг “Шарҳи Маснавийи Мавлавий” асари бўйича дастлабки тадқиқот Дилором Ҳамроеванинг “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида чоп қилинган “Ўлмайдиган кўнгил асари: “Маснавийи Маънавий”нинг илк туркий шарҳлари хусусида” номли мақола бўлиб, унда Айюб Лоҳурий шарҳи ҳақида тўхталиб ўтилган. ва асарнинг ёзилган вақти – 1713 йил деб берилган [11]. Кейинги изланишлар мақола муаллифи томонидан амалга оширилган [4; 5; 6; 7; 8].

Айюб шарҳида Мавлоно Жалолиддин Румий ҳаёти ва ижодига оид ҳикоялар жуда кўп келтирилади ва уларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

а) Айюб томонидан келтирилган Румийнинг ҳаёти ва ижодидан сўзловчи воқеалар;

б) Аҳмад Афлокийнинг “Манокиб ал-орифин” (“Орифлар манокиби”) номли асаридан олинган ибора ва лавҳалар[3];

в) шориҳнинг бирор шахс номидан баён қилган ҳикояти.

Айюб томонидан келтирилган Румийнинг ҳаёти ва ижодидан сўзловчи воқеалар. Айюб баъзи байтларни шарҳлаш асносида ҳикоя келтирганда унинг манбаси ҳақида маълумот бермайди. Масалан, бир ҳикояда Мавлононинг Аллоҳга бўлган улкан ишқи хусусида сўз боради.

[1] “Маснавийи маънавий”га бағишланган бир қанча шарҳлар, ҳошиялар, назиралар, лавҳалар, иловалар ва ҳ.к. шу манбада қуйидаги тартиб рақамларида берилган: №№ 898, 901, 902, 903, 904, 905,906, 907, 908,909, 910, 911,912,913,914,915, 916,917,918, 919,920, 921, 922,923,1554, 1555, 1556, 1557, 1558, 1559, 1560, 1561,1562, 1758, 1835,1836.

[2] Асарнинг ташқи ва ички белгилари, таркибий хусусиятлари ҳақидаши батафсил маълумот мақола муаллифининг “Айюбнинг “Шарҳи Маснавийи Мавлавий” асари Жалолиддин Румий ҳаёти ва ижодига оид дабий манба сифатида (биринчи дафтар)” номли магистрлик диссертацияси II боб, 2.1. “Айюб шарҳининг мазмуни ва таркибий ҳусусиятлари” номли параграфида келтирилган [4: 34-55].

[3] Ҳожи Халифанинг “Кашф аз-зунун” асарида ёзилишича, “Манокиб ал-орифин” асари ҳижрий 718/милодий 1318 йили ёзилган бўлиб, Аҳмад Афлокий қаламига мансуб. Ҳожи Халифа ва Котиб Чалабий нисбалари билан машҳур турк географи ва тарихчи олимининг асли исми Мустафо ибн Абдуллоҳ (1609–1657). Унинг тарихий географияга оид “Жаҳоннамо” ва библиографик мазмундаги “Кашф аз-зунун” асарлари фанда машҳур. Кейинги асарда кўплаб муаллифлар ва уларнинг асарлари ҳақида муҳим маълумотлар қайд этилган [12; 13].

جانهای بسته اندر آب و گل
چون رهند از آب و گلها شاد دل
در هوای عشق حق رقصان شوند
همچو قرص بدر بی نقصان شوند [1: 32*а*].

Таржимаси: Жонимизни еру сувга бойлади,
Еру сувдин бизни хурсанд айлади.
Ишқ ҳавосида, деди, рақсон бўлинг,
Ҳам тўлин ой мисли бенуқсон бўлинг [2: 1:13].

Айюбнинг шарҳлашича, бу мисраларда инсоннинг вужудга келиши ва ундан хурсанд бўлиши, шодликка тўлиши васф этилган. Ўзининг мавҳум борлигидан ва охир-оқибат вужудининг йўқ бўлиб кетиши тўғрисида сўз боради: "Кунларнинг бирида Султон Валад шундай ҳикоят қилди: "Падари бузургворим ўзининг ёшлик чоғида жон дили билан зоҳидликка берилиб самоъда иштирок этмай қўйди. Шунда онам томондан бобом отамни самоъга таклиф қилди. Шамс Табризий келиб падари бузургворимни самоъ тушишга чорлади ва улар самоъ туша бошладилар. Румнинг катта олими ва мансабдор шахси Мавлоно Зайниддин шундай дейди: "Нега шундай улуғ Мавлоно самоъга унинг қонун – қоидаларига хилоф тушмоқдалар?" Шунда Мавлоно жавоб бердилар: "Инсон ўлими олдидан (агар у чорасиз қолса) барча ҳаром қилинган нарсалар унга ҳалолдир. Шу каби агар инсон қалбида фақат Аллоҳ бўлса, яъни фақат унинг ёди билан яшаса қандай рақс тушишининг аҳамияти йўқ. У ўзини Аллоҳга яқин деб билади". Бу гапларни эшитган Зайниддин бир неча қадам ташлаб ҳушидан кетади. Зайниддин Мавлонога мурид бўлади" [1: 32*а*].

Кейинги мисралар шарҳида шориҳ ўзи томонидан келтирилган ҳикояларни мазмунини янада бойитиш учун Қуръондан ҳам оятлар беради. Масалан,

چون بسی ابلیس آدم روی هست
پس بهر دستی نشاید داد دست
زانکه صیاد آورد بانک و صفیر
تا فریب مرغرا آن مرغ گیر [1: 15*б*].

Таржимаси: Жумла иблисларда одамюзли, бас,
Ҳар кишига қўл бериш ҳам яхшимас.
Овчи чорлар қушчани ҳуштак чалиб,
Қушча ҳам келгай бу сасга алданиб [2: 1:50].

Айюб ушбу ҳикояда Мавлоно Жалолиддин Румий нимани назарда тутганини шундай ифодалайди: "Кунларнинг бирида Муниддин

Парвонанинг ноиби Нуриддин исмли шахс Мавлононинг ҳузурида Ҳожи Бектош Хуросонийнинг каромати хусусида сўз юритиб, шундай деди: “Бектош намоз ўқимас экан ва мен унга намоз ўқиш лозимлигини айтдим. У менга: “Бор сув келтир, токи мен таҳорат қилгумдир”,–деди. Мен сув олиб келдим. У обдастани олиб менга тутқазди ва сув қуйишимни буюрди. Мен унинг қўлига сув қуйдим. Соф сув қонга айланганди. Шунда Мавлоно: “У қонни сувга айлантирганда яхшироқ бўларди, зеро тоза сувни ҳаром нарсага айлантириш ҳунар эмас. (Ўз вақтида, Мусо) калим (Аллоҳ) қибтийлар учун Нил (дарёси) сувини қонга ва сибтийлар учун қонни сувга айлантирган бўлса, бу унинг ўзигагина берилган (хислат), холос. Бошқа бирор кишига ундай куч-қудрат берилмаган. Бу (сен айтган) табдилни эса, бекорчи табдил дейдилар” [1: 15*б*].

Шундан сўнг шарҳда Қуръони карим Наҳл сураси 27-оятидан олинган қуйидаги калималар келтирилган:

ان المبذرين كانوا اخوان الشياطين

Таржимаси: Чунки исрофгарлар шайтонларнинг биродарларидир. [10: 17:27].

“Хос (ҳақиқий) табдил шундан иборат эрурким, унда сенинг шаробинг сиркага айланади ва мушкулинг ҳал бўлади, паст сифатли мис сара олтинга айланади, кофир нафс мусулмон бўлади, сенинг (гилинг) тупроғинг дурга айланади” [1: 15*б*].

“Маноқиб ал-орифин” номли асардан олинган ибора ва лавҳалар. Асарда яна шундай мисралар мавжуд:

آنکه جان بخشد اکر بکشد رواست
نایبست و دست او دست خداست [1: 14*а*]

Таржимаси: Кимки жон бермиш – гар ўлдирса, раво,
Улки ноиб, дастидир – дасти Худо [2: 1:43].

Уларни шарҳлаганда шориҳ در مناقب العارفین مستور است – *“Маноқиб ал-орифин”да келтирилганким,* дея ўзи фойдаланган манбани кўрсатган, бироқ унинг муаллифи кимлигини айтмаган.

Мазкур асарга таяниб, Айюб Мавлоно Жалолиддин Румий ҳаёти билан боғлиқ ушбу воқеани келтиради. Мавлоно Шамсиддин мударрис ўғли ривоятига кўра, Мавлоно Жалолиддин Румийнинг хизматларида Мавлоно Ҳамза исмли най чалувчи бўлган экан. У найни ўта маҳорат билан чаларкан ва Мавлоно Румий унга меҳрлари чексиз экан. Кунларнинг бирида у касал бўлиб, вафот этибди. Бу ҳақда Румийга хабар етказиб, дафн маросимига тайёргарлик кўра бошлайдилар. Жалолиддин Румий унинг уйига бориб,

эшикдан киришлари биланоқ, “Эй, азиз дўстим Ҳамза, ўрнингдан тур!” – дея хитоб қиладилар. Ҳамза: “Лаббай”, деб ўрнидан туради ва най чала бошлайди. Улар уч кеча-кундуз найнинг оҳангида хилма-хил самоъ (зикр рақси)га тушадилар. Бу ҳолатни кўриб юзга яқин румлик кофирлар мусулмон бўлишади. Ҳазрат Мавлоно чиқиб кетишлари билан Ҳамза яна оламдан ўтади [1: 14*а*]. Шориҳнинг таъкидлашича, юқоридаги байтнинг иккинчи мисраси Қуръони карим Муҳаммад сураси 10-оятига ишорадир:

ان الذين يبايعونک انما يبا يعون الله يد الله فوق ايديهم فمن نکث فانما ينکث على نفسه و من او فى بماعهد عليه الله فسيوتيه اجر اعظيما

Таржимаси: *Албатта, сенга байъат қилаётганлар фақат Аллоҳнинг ўзига байъат қилмоқдалар. Аллоҳнинг қўли уларнинг қўллари устидадир. Ким (аҳдни) бузса, ўзига қарши бузади, холос. Ва ким Аллоҳга қилган аҳдига вафо қилса, унга тезда улкан ажр берилур* [10: 48:10].

Унда, “Эй Муҳаммад (с.а.в.), агар сенга байъат қилсалар, Худога байъат қилган бўладилар!” - деган мазмун ифодаланган деб ёзади шориҳ [1: 14*а*].

Қуръони каримнинг Шайх Абдулазиз Мансур томонидан амалга оширилган таржимасида бу оятга шундай изоҳ берилган: Яъни, Расул (а.с.) мўминлар билан қўлни қўлга қўйиб байъат қилганларида Аллоҳнинг “қўли” ҳам уларнинг қўллари устига қўйиб турилгандек бўлиши ёки Пайғамбар (а.с.)нинг қўли мўминлар қўли устига қўйилгани гўё Аллоҳнинг “қўли” қўйилгани билан баробардир. Гўё бошқа оятда: “Расулга итоат этган киши Аллоҳга итоат этган бўлади”, - дейилгани каби.

Ҳудайбия водийсидаги бир туп дарахт остида бир ярим мингга яқин мусулмонлар Расул (а.с.)га ҳар қандай шароитда ҳам содиқ бўлишлари ҳақида қасамёд этганлар. Бу воқеа ислом тарихида “Байъат ар-ризвон” номи билан машҳурдир. Унинг маъноси Аллоҳ рози бўладиган қасамёддир [10: 48:10].

Кейинги шарҳларда ҳам Ҳазрат Мавлононинг авлиёлик хислатлари ҳақида сўз боради:

غيب و آينده بر ايشان گشت فاش [1: 34*а*].

Таржимаси: Эртанинг сири унинг олдида фош [2: 1:146].

Ушбу мисрани Айюб қуйидагича шарҳлайди: “Маноқиб ал-орифин”да келтирилишича, бир куни Ҳазрат Мавлоно муборак икки қўлларини кўтариб айтибдилар: “Туркистон ва Бухородан бир гуруҳ фозил кишилар келишмоқда ва биздан иссиқ ҳолва исташаяпти”. Шунда ғойибдан бир товоқ иссиқ ҳолва

пайдо бўлди. Фозиллар етиб келишгач Мавлоно уларга шундай дедилар: “Сизлар Исонинг насибасини сўрасаларинг ҳам бўларди. Бир товоқ ҳолва нима бўлибди. Аллоҳ, Аллоҳ! Келиб-келиб авлиёлардан ҳолва сўрайсизларми?! Сизлар шундай нарса сўрангларки, мушкулингиз ҳолвадай осон битсин ва сизнинг жонингизга ҳам, танингизга ҳам қувват бўлсин” [1: 34*а*].

هست قرآن حالهای انبیا
ماهیان بحر پاک کبریا [1: 35*а*].

Таржимаси: *Авлиёлар ҳоли – Ҳақ Қуръонидир,*
Не балиқларнинг буюк уммонидир [2: 1:153].

Мазкур мисраларда авлиёларга берилган илоҳий қудрат туфайли хоҳлаган ерларида хоҳлаган вақтда пайдо бўлиш имкони берилганига ишора қилинмоқда. Уни Айюб шундай ривоят орқали шарҳлайди: “Айтишларича, Кунияда Ҳазрат Мавлононинг ихлосмандларидан бири яшар экан. Ҳаж нияти билан йўлга чиқибди. Қаерда тўхтамасин, қайси шаҳарга бормасин у ерда Ҳазрат Мавлонони кўрарди. Дамашқ шаҳрига етганида Мавлонони Жоме масжидини тепасида сайр қилиб юрганини кўрибди. У уни ўша ердан олдига чорларди. Кўрқувдан ҳушидан кетди. Ҳушига келганда у ерда ҳеч кимни кўрмади. Ҳайрон бўлганича йўлида давом этиб, Каъбага етиб борди. Не кўз билан кўрсинки, Мавлоно Каъбани тавоф қилиб тургандилар, Арафот тоғи зиёратида эса Мавлонони илтижо қилиб турган ҳолда кўрди. Ҳаж зиёратидан қайтиб, Кунияга Мавлононинг ҳузурига келди ва Мавлоно унга шу сўзларни айтдилар: “Хожа Амир қудрат дарёсида баликдек сузарди. Қаерда хоҳласа ўша ердан бошини чиқариб ўзини кўрсатарди” [1:35*а*].

کاملی گر خاک گیرد زر شود
ناقص ار زر برد خاکستر شود [1:36*а*].

Таржимаси: *Қўлга тупроқ олса комил, зар бўлур,*
Норасо зар олса, хокистар бўлур [2: 1:159].

Айюб ушбу байтни шарҳини шундай ҳикоя қилади: “Кунларнинг бирида Мавлоно завқ-шавқ билан бу ғазални айтардилар:

ای اعشقان ای اعشقان
من خاکرا گوهر کنم
وی مطربان وی مطربان
دف شما پر زر کنم کنم [1:36*а*].

Таржимаси: *Эй ошиқлар, эй ошиқлар,*
Мен хокни гавҳар қилгум.

Эҳ чолғувчилар, эҳ чолғувчилар,
Тамбурингизни олтинга тўлдиргум[1].

Шундай деб туриб, бир сиқим тупроқни ердан олиб чилдирмачилар бошлиғи Камол исмли одам чилдирмасига сепиб юбордилар. У киши ўз даврининг тенгги йўқ чилдирмачиси ҳам қўшиқчиси эди. У қарасаки чилдирмаси олтинга тўлиб қолган эди" [1: 36*а*].

Шориҳ "Маноқиб ал-орифин"дан яна бир ҳикоя келтириб уни қуйидаги байт шарҳига боғлайди:

ای مری کرده پیاده با سوار
سر نخواهی برد اکنون پای دار [1: 36*а*]

Таржимаси: Ул – суворий, сен – яёв, баҳс айлама,
Бош керак бўлса, етар, бас, айлама [2: 1:159].

Ушбу байт шарҳида ҳикоя келтирилади: "Ўз даврининг машҳур шайхларидан бўлган Шайх Маждиддин деган киши уламолар йиғинида: "Ҳозир агар Мавлоно (Румий) келса ва нима деса уни сўзларини инкор қиламан ва шу йўл билан у мулзам бўлади", деди. Мажлисда ҳозир бўлган Шайх Садриддин уни қайтармоқчи бўлиб: "Тариқатда улуғларга нисбатан одобсизлик қилиш манъ этилган", деди. Бироқ у қулоқ солмади. Мажлисга Ҳазрат Мавлоно ташриф буюриб: "Ла илаҳа иллаллоҳ Муҳаммад ар-Расулуллоҳ", дедилар. Оломон жунбушга келди ва ҳамма бирданига қайтардилар, ўзларидан кетиб, ҳайқиришарди. Шайх Маждиддин айтганларига пушаймон бўлиб келиб таъзим билан тавба қилди" [1: 36*а*].

Юқорилаги мисоллардан кўриш мумкинки, "Маноқиб ал-орифин"дан келтирилган кўплаб ҳикояларда Румийнинг авлиёлик хислатлари ҳақида сўз боради.

Шориҳнинг бирор шахс номидан баён қилган ҳикояти. Айюб баъзан аниқ шахс исмини келтириб, унинг номидан Жалолиддин Румий ҳаётидан лавҳа беради. Масалан, Румийнинг эътиборли халифаларидан бири – малик ал-хулафо Мавлоно Бадриддин Маъданий ривоятини олайлик: "Ҳазрат Мавлононинг битта букри хонандаси (қўшиқчиси) бор эди. Бир куни Мавлоно бутун завқ билан самоъ қилардилар, у эса шавқ билан ноғора чаларди. Самоъдан сўнг Мавлоно ундан: "Нега тик турмайсан", - дедилар. У ўзининг букрилигини айтди. Мавлоно қўли билан унинг орқасини силаб қўйдилар, ўша заҳоти унинг қомати тик бўлди" [1: 14*а*].

Кейинги байтда Қуръон карим Ҳаж сураси 110-оятига ишора қилинган.

[1] Таржима мақола муаллифиники.

آیت انسوم کم ذکری بخوان
قدرت نسیان نهادن سان بدان [1: 37*а*].

Таржимаси: Оятн “Ансавкуму зикрий...” ўқи,
Бас, фаромушлик надир, англаб, ўқи [2: 1:146].

Оятнинг тўла матни қуйидагича:

فاتخذ تموهم سخریا حتیانسوکم ذکری و کنته منهم نضحکون.

Таржимаси: Бас, сизлар уларни масхара қилдингиз, ҳатто, у (кулиб) сизларга Мени эслашни унуттирди. Сизлар улардан кулган эдингиз [10: 23:110].

Айюб ушбу байтни шарҳлаганда қуйидаги ҳикоятга мурожаат қилади: “Мавлоно Қутбиддин Шерозий ўзининг “Мажмаъи фузалои Табриз” асарида шундай ёзади: “Биз ўта билимдонлардан иборат 12 киши Куния шаҳрига етиб бордик. Ҳар биримиз маълум бир фан бўйича катта истеъдод соҳиби эдик ва Ҳазрат Мавлоно билан бир қанча масалаларда суҳбатлашмоқчи бўлгандик. Уларнинг ҳузурларига борганимизда барча билимларимиз эсдан чиқиб, қанча уринмайлик ҳеч нарсани эслай олмадик. Мавлоно эса бизлар ўйлаб турган барча саволларга бирма-бир жавоб бериб чиқдилар. Биз ҳайратда қолиб у кишига муриду мухлис бўлдик” [1: 37*а*].

Қуйидаги байт шарҳида Мавлононинг нафс ҳақида айтган сўзлари келтирилган:

گر تو این انبان زنان خالی کنی
پر ز گوهرهای اجلالی کنی [1: 36*б*].

Таржимаси: Нонни қўй бир четга, тарк этма йиғинг,
Дуру гавҳарларга тўлгай сандиғинг [2: 1:161].

Шориҳ мазкур байтларни Мавлоно Бадриддин Баҳриё ҳикояси орқали талқин қилади: “Бир куни қишда Мавлоно менинг уйимга келдилар ва яланғоч бўлиб муздек ҳовузга тушдилар. Сувга борганлар у кишининг бошидан челакка сув олиб қуярди. 3 кечаю 3 кундуз ўша ҳолатда турдилар. Одамларда тоқат қолмади. Мен бечора эса фарёд чекардим ва бу қаҳратон қишда совуқ сув зарарли, деб айтардим. Мавлоно сувдан чиқиб, 9 кечаю кундуз узлуксиз самоъда бўлдилар. Овқат ҳам емадилар ва айтардилар: “Эй, нафс, сабр қилгин. Овқат емагин. Агар есанг, у сени ўзингни еб қўяди” [1: 36*б*].

Юқоридаги таҳлилларда Айюб шарҳидан Жалолиддин Румий ҳаёти билан боғлиқ хилма-хил ҳикоятларда Мавлоно амаллари билан бирга унинг яқин кишиларига оид маълумотлар берилган. Шунингдек, Румийни нафақат

шоир, “Мавлавия” тариқатининг асосчиси, ўз даврининг етук донишманди, комилликнинг юксак чўққиларига эришган ва авлиё сифатларини ўзида мужассамлаштирган том маънода комил инсон экани кўрсатилган.

Дарҳақиқат, Жалолиддин Румийнинг “Маснавийи Мавлавий” асари инсоният маънавий бойлиги дурдонасига айланган. Унинг Айюб томонидан қилинган шарҳи эса Мавлоно ҳаёти ва меросини янги тадқиқотлар асосида илмий жиҳатдан ўрганиб, кашф этилмаган қирраларини очиш имконини яратмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Айюб. Шарҳи Маснавийи Мавлавий. ЎзРФА қўлёзмаси, инв. № 2225/II.
2. Жалолиддин Румий. Маснавийи маънавий. Биринчи китоб. // Форсийдан Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол таржимаси. Тошкент, 2002.
3. Собрание восточных рукописей АН РУз (СВР). Т. II. Ташкент, 1952.
4. Умарова И. Айюбнинг “Шарҳи Маснавийи Мавлавий” асари Жалолиддин Румий ҳаёти ва ижодига оид адабий манба сифатида (биринчи дафтар) // Магистрлик диссертацияси. ТДШИ: Тошкент, 2010.
5. Умарова И. Жалолиддин Румий “Маснавийи маънавий” асарининг ЎзР ФА Шарқшунослик институти фондидаги шарҳлари. / Ёш шарқшуносларнинг академик Убайдулла Каримов номидаги IX илмий-амалий конференцияси тезислари. ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти, ТошДШИ, Тошкент, 2011. Б. 13-14.
6. Умарова И. Жалолиддин Румий “Маснавийи маънавий” асарининг шарҳлари хусусида (ЎзР ФА ШИ хазинаси қўлёзмалари асосида) / ЎзР ФА ШИ “Шарқшунослик” илмий тўплами, Тошкент, 2013. №16. Б. 219-223.
7. Умарова И. Жалолиддин Румий “Маснавийи маънавий”синининг бир шарҳи хусусида. / Темурийлар тарихига оид манбалар. Тошкент: Темурийлар тарихи давлат музейи, 18 октябрь 2007.
8. Умарова И. Жалолиддин Румий “Маснавийи маънавий”синининг бир шарҳи хусусида. 4 китоб // “Илмий салоҳият ва замон”

мавзуидаги ёш тадқиқотчиларнинг илмий-амалий семинари материаллари. Тошкент, Темурийлар тарихи давлат музейи. 18 октябрь 2008.
9. Шефик Джан. Мевляна Джалаледдин Руми. Божественная флейта мира. Жизнь, личность, мысли. Москва, 2008.
10. Қуръони Карим. Маъноларнинг таржима ва тафсири (Қайта ишланган 2-нашри) // Таржима ва тавсиф муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур. Тошкент, 2007.
11. Ҳамроева Д. Ўлмайдиган кўнгил асари: “Маснавийи Маънавий”нинг илк туркий шарҳлари хусусида” // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси. 2008 йил, 3 октябрь.
12. Ҳожи Халифа. Кашф аз-зунун // www.islamansiklopedisi.org.tr
13. جلال الدین همایی. تفسیر مثنوی مولوی. داستان قلعه ذات الصور یا ذر هوش ربا. انتشرات دانشگاه تهران، 1298.

И. Умарова

Айюбнинг “Шарҳи Маснавийи Мавлавий” асарида келтирилган Жалолиддин Румий ҳаётига оид маълумотлар

Мавлоно Жалолиддин Румийнинг (1207–1273) энг йирик дидактик асари “Маснавийи маънавий” бўлиб, уни тушуниш инсондан улкан билим талаб қилгани боис, ушбу асар ёзилган дастлабки пайтдан ҳозиргача унга бағишлаб шарҳлар ёзилган. Мазкур асарда нафақат дин ва тасаввуф масалалари, балки Румий ҳаёти ва ижодига маълумотлар ҳам кўплаб учрайди. Табиийки, унга оид шарҳларда ҳам озми-кўпми маълумотлар мавжуд. Шундай асарлардан бири Айюбнинг Жалолиддин Румий “Маснавийи маънавий”сининг олтита дафтарига ёзган шарҳи ҳисобланади. Асарнинг бир нусхаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида 2225/II ашё рақами билан сақланади. Қўлёзма варақларининг ўртасида Румий “Маснавий”си, ҳошиясида унга мутаносиб тарзда Айюбнинг “Шарҳ”и келтирилган. Айни пайтда шарҳда баъзи сўзларга изоҳ берилган, Румий ҳаётига оид ва айтган ўгитлари акс этган ҳикоялар ифодаланган. Айрим ҳикоялар шориҳнинг ўзи томонидан келтирилган. Бошқалари эса муайян манба, хусусан, Қуръони карим ёки “Маноқиб ал-орифин” (“Орифлар маноқиби”) каби манбалар асосида шарҳланиб, ҳар бир изоҳ ёки ҳикоя аввалида ўша маълумот олинган манбани қайд этилган. Шунингдек шориҳ

баъзи ҳикояларни бирор шахс номидан баён қилган ва бундай ҳолда шахс номи аниқ келтирилган.

Мақолада мазкур ҳолатлар алоҳида таснифланиб, мисоллар воситасида очиб берилган. Шарҳларда Мавлоно амаллари, унинг яқин кишиларига оид маълумотлар, Румийни нафақат шоир, балки "Мавлавия" тариқатининг асосчиси, ўз даврининг етук донишманди, комилликнинг юксак чўққисига эришган авлиёси экани хилма-хил ҳикоятлар мисолида ёритилган.

Айюб шарҳини тадқиқ этиш, унинг Румий ҳаёти ва ижодига оид кўплаб асарлар мутолаа қилгани, луғатлар билан ишлагани, диний ва тасаввуфий билимларини такомиллаштиргани, олдин ёзилган шарҳлардан маълумотлар тўплаганини кўрсатмоқда. Бинобарин, "Шарҳи Маснавийи Мавлавий" асари Румий ҳаёти ва ижодига оид кўплаб бошқа манбаларнинг энг сараларидан ҳисобланади.

Калит сўзлар: *Жалолиддин Румий, Айюб, асар, шарҳ, шориҳ, қўлёзма, манба, нусха, луғат, тасаввуф, авлиё, байт, пайғамбар, Қуръони карим, оят, ҳадис, воқелик, ҳикоя. ишқ, руҳ.*

И. Умарова

Сведения о жизни Джалаладдина Руми в произведении Айюба «Шарҳи Маснави-йи Мавлавий»

Самым крупным дидактическим произведением Мавлоно Джалаладдина Руми (1207–1273) является «Маснави-йи маънавий», осознание которого требует весьма особого осмысления и глубоких знаний, в связи с чем, на него было написано множество комментариев, начиная со времен создания этой работы и по настоящее время. В данном произведении можно встретить, наряду со сведениями о религии и суфизме, множество данных, касающихся жизни и деятельности Руми. Разумеется, имеется некоторая информация и в комментариях, написанных на его произведения. Одним из таких трудов является комментарий Айюба на произведение Джалаладдина Руми «Маснави-йи маънавий» (Комментарий Айюба), написанный в шести тетрадях. Это произведение хранится под номером 2225/II в фондах Института востоковедения АН РУз им.Абу Райхана Беруни. Посередине страниц данной рукописи находится «Маснавийи» Руми, а на полях – записи-комментарии Айюба «Шарх-и Маснави-йи Мавлавий» в пропорции к нему. Одновременно с этим в комментарии приведены разъяснения некоторым словам, записаны рассказы, касающиеся жизни Руми и его назиданий. Некоторые рассказы

приведены самим автором. Встречаются рассказы, взятые из определенного источника, в частности, из священного Корана или «Манакиб ал-арифин», к ним даны истолкования автора, где сначала указывается название источника, из которого привлечены данные сведения. В произведении также имеются рассказы, которые автором переданы от имени другой личности, и в таких случаях указаны точные данные о ней.

В настоящей статье, посвященной Комментарию Айюба, исследователем проведен анализ таких особенностей произведения, с привлечением соответствующих примеров. Особо подчеркивается, что в Комментарии, на основании различных рассказов о жизни и деятельности великого Мудреца и его близких, приведено множество историй о нем. Особо следует отметить, что искусство и стиль изложения Руми свидетельствует о его высоком поэтическом таланте, глубоких знаниях, о том, что он являлся основателем течения «Мавлавийа», считался одним из совершенных мыслителей своей эпохи, достигшим вершин учения и ставшим известным святыней своего времени.

Результаты исследования Комментария показывают, что Айюб изучал множество произведений о жизни и деятельности Руми, работал со словарями, совершенствовал свои знания в области религиозных и мистических знаний, а также собирал сведения из написанных ранее комментариев. Исходя из этого, “Шарх-и Маснави-йи Мавлавий” является одним из избранных среди множества источников, посвященных жизни и творчеству Руми.

Ключевые слова: *Джлаладдин Руми, Аййуб, произведение, комментарий, комментатор, рукопись, источник, копия, словарь, суфизм, святыня, бейт, пророк, священный Коран, аят, хадис, событие, рассказ, любовь, дух.*

I.Umarova

Information about the life of Jalaluddin Rumi in Ayub’s work “Sharkhi Masnaviyi Mavlaviy”

The largest didactic work of Mavlono Jalaluddin Rumi is “Masnaviyi ma’naviy”, the realization of which requires very special reflection and deep knowledge, in connection with which many comments have been written on it from the time this work was created to the present. In this work you can find, along with information about religion and Sufism, a lot of data relating to the life of Rumi. Of course, there is some information in the comments written on his works. One of these works is Ayub’s commentary on the work of Jalaluddin

Rumi, “Masnaviyi ma’naviy”, written in six notebooks. This work is stored under number 2225/II in the funds of the Institute of Oriental Studies of the Academy of Sciences of Uzbekistan named after Abu Rayhan Beruni. In the middle of the manuscript pages is “Masnaviy” Rumi, in the margins – Ayub’s commentary “Sharkhi Masnaviyi Mavlaviy” in proportion to it. At the same time, explanations of some words are given in the commentary, stories are recorded concerning the life of Rumi and his edifications. Some stories are given by the author himself. There are stories taken from the Holy Qur’an or “Manokib al-Orifin”, they are given the author’s interpretation, which first indicates the name of the source from which this information was drawn. The work also has stories that are transmitted by the author on behalf of another person, and in such cases accurate information about her is indicated.

In this article on Ayub’s Commentary, the researcher analyzed such features of the work, using relevant examples. It is emphasized that in the Commentary, on the basis of various stories about the life and work of the great Sage and his relatives, many stories about him are given. It should be especially noted that the art and presentation style of Rumi testifies to his high poetic talent, deep knowledge, that he was the founder of the Mavlaviya movement, was considered one of the perfect thinkers of his era, who reached the heights of learning and became a famous shrine of his time.

The results of the Commentary study show that Ayub studied many works about the life and work of Rumi, worked with dictionaries, improved his knowledge in the field of religious and mystical knowledge, and also collected information from previously written comments. Proceeding from this, “Sharkhi Masnaviyi Mavlaviy” is one of the few among many sources dedicated to the life and work of Rumi.

Keywords: *Jaladdin Rumi, Ayyub, work, comment, commentator, manuscript, source, copy, dictionary, Sufism, shrine, beit, prophet, holy Quran, ayat, hadith, event, story, love, spirit.*

Д. Худжанова

Замахшарийнинг “ал-Қистос ал-мустақим фи илм ал-аруз” асарида аруз рукнларининг илмий-назарий талқини

Мавароуннаҳрлик аллома Маҳмуд Замахшарийнинг (1075–1144) аруз илмига бағишланган “Ал-Қистос ал-мустақим фи илм ал-аруз” (“Аруз илмида энг тўғри мезон”) асари мукаммаллиги, аруз қоидалари таҳлилининг